# ИЗЛАНИШГА, ФАОЛЛИККА УНДОВЧИ ТАНЛОВ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўтган йиллар мобайнида мазкур танловда ғолиб бўлган ёшлар бугун мамлакатимиз ва хориждаги етакчи инновацион марказлар, илмий-тадқиқот институтлари, корхона ва ташкилотлар, компаниялар, муассасаларда, маданият ва санъат масканларида самарали меҳнат қилмоқда. Фан ва технологияларга оид кўргазма-ярмаркалар, ахборотлаштириш, санъат ҳафталикларида ўз изланиш ва ижод намуналари билан муваффақиятли иштирок этмоқда.

Бу йилги танловнинг ҳудудий босқичлари ҳам юқори савияда ўтди. Унда ўтган йигирма йил мобайнида халқимиз қўлга киритган ютуқлар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислоҳотларимиз моҳияти ва аҳамиятини ёшларга янада чуқурроқ, оддий ва таъсирчан усулларда тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, лойиҳа доирасида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган «Биз – йигирма ёшдамиз!» ижтимоий акциясида истиқлол йилларида барча жабҳалардаги янгиланиш ва туб ижобий ўзгаришлар ҳақида сўз борди. Ўз бизнесини бошлаш истагидаги ёшлар учун ташкил этилган тадбиркорлик форумларида соҳадаги миллий қонунчилик, яратилаётган шароит ва имкониятлар хусусида атрофлича маълумотлар берилди. Бўш иш ўринлари ярмаркалари, хайрия тадбирлари ва маънавий-маърифий анжуманлар кўплаб ёшлар келажаги учун ғоят фойдали бўлди.

Жорий йилнинг 16-21 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг финал босқичида йигит-қизлар турли йўналишлар бўйича ўз ғоя ва лойиҳаларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилдилар. Айни пайтда турли ижодий учрашувлар, маърифий тадбирлар, жонли мулоқотлар, кўргазмалар, маданият ва санъат масканларига саёҳатлар, концертлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

– Танловда илм-фаннинг ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар йўналишига оид лойиҳам билан иштирок этдим, – дейди Навоий кон-металлургия комбинатининг 5-кон бошқармаси мутахассиси Илҳомжон Раҳматов. – Тақдим этган ишланмам саноат қувурларидан чиқадиган заҳарли газларни қайта ишлаш технологияси билан боғлиқ. У ишлаб чиқариш корхонасининг чиқинди газларидан азот, фосфор, кальцийли минерал ўғитларни олиш имконини беради. Мазкур илмий ишланма иқтисодий жиҳатдан самарали, экологик хавфсиздир. Ушбу нуфузли танлов жараёнида мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлиш учун пухта ўқиб-изланишимиз зарурлигини янада теран англадик.

Тадбирда «Келажак овози – 2011» кўрик-танловининг турли йўналишларида ғолиб бўлган йигит-қизларнинг илмий-ижодий лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Танлов доирасида «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» ва «Таълим грантлари дастури», «Спорт грантлари дастури» лойиҳалари ғолиблари ҳам тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**



# ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ: ИШОНЧЛИ, ТЕЗКОР ВА ЗАМОНАВИЙ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда темир йўл транспортини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик йилларида ушбу тизимда кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, йўловчи ва юк ташиш ҳажми тобора ошмоқда. Айни пайтда юк ташишнинг 70 фоизи, экспорт ва импорт учун ташилаётган юк ҳажмининг 30 фоизи темир йўл орқали манзилларга етказилаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.**

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон темир йўллари тизимида хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш, эришилган натижалар, йўловчи ва юк ташишда хавфсизлик ва ишончлиликни таъминлашга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси раисининг ўринбосари Ҳ.Ҳосилов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ислоҳотлар самарасида темир йўл соҳасида ҳам саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, мавжуд техника ва технологияларни модернизациялаш, муқобил йўлларни қуриш борасида улкан ютуқларга эришилаётганини алоҳида таъкидлади.

Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар ва бунёдкорлик ишлари туфайли истиқлол йилларида 956 километр темир йўл ва 90 дан зиёд темир йўл кўприклари бунёд этилди. «Учқудуқ-Мискин», «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» йўллари, «Янгиер-Даштобод», «Навоий-Чоржўй», «Ховос-Бекобод» кўприклари шулар жумласидандир. Янги линияларнинг ишга туширилиши йўловчиларга хавфсиз ва кафолатли замонавий хизматлар кўрсатиш кўламини янада кенгайтиришда қўл келмоқда.

– Ҳар куни 35 минг нафарга яқин йўловчига хизмат кўрсатилмоқда, – дейди «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти директори Шарофиддин Қодиров. – Жорий йилдан «Тошкент-Самарқанд» йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» поездлари қатновининг йўлга қўйилгани хизматлар кўламини янада кенгайтирди. Ўтган қисқа фурсатда 4 минг нафардан зиёд йўловчи ушбу поезд билан манзилга етказиб қўйилди. Декабрь ойида мазкур поезднинг иккинчиси олиб келинди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори истиқболдаги вазифаларни ҳал этишда дастуруламал бўлаётир. Ушбу ҳужжатга кўра, компанияда поездларни экологик тоза ва тежамкор электр токи ёрдамида ҳаракатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биринчи электропоезд ҳозир Ангрен шаҳрига қатнамоқда. Айни вақтда «Янгиер-Жиззах» йўналишида икки йўллик электрлаштирилган янги темир йўл тизими барпо этилаётир.

Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида поездлардан фойдаланиш харажатлари 23 фоизга қисқариб, йилига 16 минг тонна ёқилғи тежалади. Шунингдек, кўрсатилаётган хизматлар сифати ошиб, юк ташиш 1,2 соатга, йўловчиларни манзилига етказиш 40 дақиқага тезлашади, қўшимча иш ўринлари яратилади.

Тадбирда соҳа мутахассислари журналистларнинг барча саволларига жавоб бердилар.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси мустақил жамоат ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йил 23 апрелдаги Фармонига биноан ташкил этилган. Унинг мақсади ва вазифалари жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандлар тарбиялашни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолининг соғлом турмуш турзини оширишдан иборатдир.**

**Жамғармалар фаолиятидан**

# ОНА-БОЛА МУҲОФАЗАСИ — АМАЛДА

Жамғарма ўз мақсадларини амалга оширишда тиббий, гуманитар, тарбиявий ва инвестиция дастурларига таянган ҳолда иш олиб бормоқда ва бу дастурлар давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 22 февралда «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор қабул қилиниб, ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида аёллар ва болаларнинг саломатлигини сақлаш, тиббий, ижтимоий ва психологик ёрдамга, ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазага муҳтож бўлган аёллар ва болаларни ўз вақтида аниқлаш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, оилада тиббий маданиятни ошириш, касалликларнинг олдини олиш, вакцинация зарурлиги тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдан иборат.

Ўзбекистонда тиббий-ижтимоий патронаж тизими фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан Тиббий ижтимоий марказ (ТИМ) ташкил этилган. Мазкур марказ энг замонавий тиббий-диагностик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Яқинда тиббий ижтимоий патронаж тизимининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган конференцияда айнан юқоридаги фикрлар айтиб ўтилди. Унда сўз олганлар жамғарманинг тиббий-ижтимоий патронажи 14 та ТИП кўчма бригадалар фаолияти орқали амалга оширилаётгани, барча кўчма бригадалар Германиянинг «Карл Цейсс Йисна» компанияси автоамбулanslari билан таъминланганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ушбу автоамбулanslar энг замонавий диагностик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Улар, асосан аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, мурувват ёрдами бериш, аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб бориш учун Республиканинг барча вилоятлари, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

**Дилнаврўз МЎМИНОВА,**
**ўқитувчи**

# ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИБ

**Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ инфратузилмасида амалга оширилган ишлар, хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш, моддий-техник базани янгилиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Замонавий ахборот технологиялари шиддат билан илгарилаб, ривожланиб бораётган бир даврда албатта, почта алоқаси хизматлари ҳам бир жойда тўхтаб қолгани йўқ.

Хусусан, мустақилликнинг илк даврларида аҳолига фақатгина қўнғироқ қилиш ва почта хизматларидан фойдаланиш имконияти берилган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу хизматлар турининг қамрови янада кенгайди. Масалан, почта алоқаси хизматлари бозоридаги талабни қондириш, соҳада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, кўрсатиладиган хизмат турларини янада кенгайтириш, почта орқали пул ўтказмалари борасида мижозларга барча қулайликларни яратиш, маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, почта алоқаси сифатини янада ошириш учун ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, айниқса, соҳа ривожида мутахассис кадрларни тайёрлаш шулар жумласидандир.

– Кейинги йилларда ахборот узатиш ва қабул қилиш соҳасида ҳукуматимиз томонидан кўплаб ишлар амалга оширилаётир, почта алоқаси хизматини юритишнинг ҳуқуқий кафолатини яратиш борасида ҳам қатор қонунлар ишлаб чиқилди, – дейди «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директори Рустам Қосимов. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги қарорига асосан «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди ва Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори этиб белгиланди. Бугунги кунда аҳолига янада сифатли ва қулай хизматларни таклиф этишни таъминлаш мақсадида жамият зиммасига қатор вазифалар юклатилган бўлиб, уларни бажариш учун 14 та филиал, 174 та туман ва шаҳар почта тармоқлари, уч мингга яқин почта алоқалари бўлимлари бирлаштирилди. 30 та авиа, иккита темирйўл, беш юзга яқин автомобиль почта ташиш йўналишлари ҳамда 20 та почта алоқа бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу каби босқичма-босқич ривожланиш натижасида почта жўнатмаларининг ўз вақтида етказилиши ва хавфсизлиги таъминланди. Истиқболдаги режаларимизга, пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назоратининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, 300 га яқин почта алоқаси бўлимларини янги мебеллар билан жиҳозлаш, автоматлаштирилган молиявий ҳисобот тизимини яратиш, «Обуна» автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш каби масалалар киритилган.

Тадбир сўнгида, оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилиб, соҳа тарихи, бугуни ва келажаги ҳақидаги фикр- мулоҳазалар тингланди.

**Садоқат АСЛАНОВА**

**Янги йил байрами тараддуди**

# БАЙРАМ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИ

**Янги йил байрами кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш борасида пойтахтимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда туманлар, маҳаллалар ва корхоналарда ҳушёрлик ва огоҳликка чорловчи тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Бундай профилактика ишлари мунтазамлик касб этгани туфайли одамлар онгида фарзандини, ўз уйини, маҳалласини асраш, уни ёмон кўзлардан, ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш туйғуси янада мустаҳкамланаётир.**

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, подполковник Бахтиёр Эгамбердиев. – Бу ички ишлар ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Айни пайтда пойтахтимизнинг ҳар бир маҳалла ва кўчаси, айниқса, Янги йил байрами тадбирлари ўтказиладиган жойларда хавфсизликни таъминлашга қаратилган кенг қамровли «Тозалаш» тадбири уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Аниқланаётган ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этилаётир. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ички ишлар идораларининг жамоатчилик вакиллари, жумладан, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг алоҳида ўрни бор. Пойтахтимиздаги мавжуд 476 милиция таянч пунктида хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг жиноят содир этишга олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида кўплаб маҳаллаларда жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Милиция таянч пунктлари атрофида турли хил тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари ҳамда спорт майдончалари барпо этилгани ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ёрдам бераётир.

Жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймаслик борасида доимий рейдлар ташкил этилаётир. Жумладан, ёнғин хавфсизлиги ойлигида аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғинга қарши қоидаларга риоя этиш юзасидан кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб бориш билан бирга, тегишли идоралар билан ҳамкорликда хонадонлар, ташкилот ва корхоналарда текширишлар ўтказилди.

Бу жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилотларга кўплаб таклиф ва тавсиялар билдирилди. Ҳозирги кунгача мавжуд камчиликларнинг деярли барчаси бартараф этилди. Қўпол қоидабузарликка йўл қўйган масъул шахсларга 8 миллион сўмдан зиёд жарима солинди. Байрам тантаналари бўлиб ўтадиган майдонлар ва истироҳат боғларида ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилиши билан бирга, соҳа ходимлари навбатчилиги ташкил этилган.

Байрам кунлари йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис йўлларнинг ҳолатини яхшилаш, йўл белгиларини ёрқинроқ акс эттириш, светофор ва йўл чизиқларини янгилаш юзасидан изчил ишлар бажарилди. Энг муҳими, сўнгги йилларда кенг, равон ва чиройли кўчаларимизда ҳаракатланаётган автомобиль ҳайдовчилари томонидан содир этилаётган қоидабузарликлар тобора камаймоқда.

Янги йил арафасида ва байрам кунлари пиротехника воситалари кириб келиши ва сотилишининг олдини олиш бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ходимлари саъй-ҳаракати билан шу кунга қадар 4 мингдан ортиқ сертификатсиз пиротехника воситалари мусодара қилинди. Бу борадаги рейдлар шаҳарнинг барча бозорлари ва савдо марказларида давом эттирилмоқда.

Олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида пойтахтимизда жамоат хавфсизлиги, осойишталик таъминланмоқда. Қайд этиш жоизки, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу ҳар биримиздан огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Шундай экан, яқинлашиб келаётган Янги йил байрамининг кўнгилдагидек ўтиши учун барчамиз масъулмиз.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЭЪТИБОРДА

**Мустақиллик йилларида ёшларни, айниқса вояга етмаганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.**

2008 йилнинг ўзида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги, «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш чоралари тўғрисида»ги каби бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ёшлар тарбиясига нафақат соҳа мутахассислари, балки барча масъул эканлигини тасдиқловчи муҳим ҳужжат бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиб ўтиш лозимки республикамизда ёшлар тарбиясига давлат сиёсати даражасидаги муҳим масала сифатида қаралиб, уларнинг жисмонан соғлом ва маънан етук инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар фикримиз далилидир.

Халқимизда «Бир болага етти қўшни ота-она» деган ибратли нақл бор. Афсуски кейинги вақтларда ушбу нақл унутиб қўйилгандек ёки унга амал қилинмаётгандек кўринмоқда, назаримизда. Ахир ҳар бир ўсиб келаётган ўғил-қиз эртага бошлаган хайрли ишларимиз давомчиси бўлади. Шунинг учун ҳам уларга илк тарбия жуда ёшликдан аввало оилада, ота-оналар томонидан тўғри берилмоғи керак. Кейин эса боғча, мактаб, маҳаллада у давом этади, ривожланади.

Ёшликдан билим олиб, касб-ҳунарга меҳр қўйган инсондан эса ҳеч вақт ёмонлик чиқмайди, миллатимиз, менталитетимизга ёт бўлган кўчаларда адашмайди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, жисмонан соғлом ва руҳан етук авлодгина буюк ишларга, порлоқ келажакка муносиб номзод бўла олади. Мана шу масъулиятни унутмаслигимиз керак.

**Дилфуза АЛИМЖОНОВА,**
**Шайхонтоҳур туманидаги 3-давлат нотариал идораси нотариуси**

